

ЎЗБЕК ТАРЖИМАЧИЛИК МАКТАБИНИНГ ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА
ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИГА БАҒИШЛАНГАН ЛИНГВИСТИК
ТАДҚИҚОТЛАРИ

Ачилова Зулхумор Пултоана

ЎзДЖТУ Роман-герман филологияси

факультети катта ўқитувчиси,

achilova.zulxumor@mail.ru

Тел: 93-571 31 70

Аннотация: Мақолада ўзбек таржимачилик мактабининг узоқ йиллик анъаналари ва тажрибалари ҳамда таржима назариясининг тарихига доир кўпгина қизиқарли маълумотлар берилган. Унда ўзбек таржимачилик мактабининг ўзига хос таржима техникаси, таржима ва талқин, таржима ва мантиқ ҳақида бир қанча назарий ва амалий масалалар кўриб чиқилган. Шу сабабдан ушбу мақола фақат бўлажак таржимонларгагина эмас, балки тил ўқитувчилари, илмий ходимлар, аспирантлар, журналистлар, адабиётшунослар, қолаверса, кенг китобхонлар оммасига ҳам мақул келади.

Калит сўзлар: таржима, таржимон, чет тили, маҳаллий, оригинал матин, фонетик қийинчиликлар, лексик қийинчиликлар.

Статья содержит много интересной информации о многолетних традициях и опыте узбекской переводческой школы, а также истории теории перевода. В нем рассмотрен ряд теоретических и практических вопросов, касающихся перевода и толкования, перевода и логики. По этой причине данная статья подойдет не только будущим переводчикам, но и преподавателям иностранных языков, исследователям, аспирантам, журналистам, литературоведам, а также широкому кругу читателей.

Ключевые слова: перевод, переводчик, иностранный язык, местный, оригинальный текст, фонетические трудности, лексические трудности.

The article contains a lot of interesting information about the long-term traditions and experience of the Uzbek translation school, as well as the history of translation theory. It deals with a number of theoretical and practical issues related to translation and interpretation, translation and logic. For this reason, this article is suitable not only for future translators, but also for foreign language teachers, researchers, graduate students, journalists, literary critics, as well as a wide range of readers.

Key words: translation, translator, foreign language, local, original text, phonetic difficulties, lexical difficulties.

Ўзбек таржимачилик мактаби ўзининг узоқ йиллик анъаналари ва тажрибаларига эга. Хусусан бу соҳада кейинги йилларда амалга оширилаётган ишлар катта кўлам ва

миқёсни ташкил қилмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, турли олий ўқув юртлари ва адабий нашрларда бу мавзуда турли давра суҳбатлари, баҳс ва мунозаралар уюштирилмоқда. Мазкур чиқишларда ўзбек таржимачилигининг ютуқ ва камчиликлари ва истиқболда қилиниши керак бўлган ишларга эътибор қаратилмоқда.

Шу муносабат билан олиб борилаётган илмий ишда оғзаки ва ёзма таржима назарияси ва амалиёти муаммолари, мамлакатимизда ва хорижий таржима мактабларида ҳамда бугунги таржима жараёни ҳақида сўз боради.

Таржима ҳақида илк назарий фикрлар дастлаб қадим Римда юзага келган эди. Юнон ва латин тилларини мукамал билган Аристотель, Цицерон ва Гораций таржима жараёнида сўз кетидан қувиш ярамайди, уларнинг маъно ифодаларини аввал тарозида ўлчаб, кейин таржима қилиш маъқул, деган фикрни билдирганлар. Кейинчалик Италияда Бартоломео ва Манетти, Францияда дю Белле ва Малерб, Англияда Бэкон ва Драйден, Германияда Гёте ва Гумбольдт, Россияда Ломоносов ва Сумароков таржима хусусида ўз назарий тушунчаларини билдириб ўтганлар.

Хуллас, то XX асрга қадар “таржима” сўзи муайян маъно касб этиб, фақат тарихий, фалсафий ва адабий асарларга нисбатан қўлланилиб келинган, оғзаки таржимонга нисбатан эса туркийда “тилмоч”, славянларда “толмач”, немис тилида “dolmetschen”, инглиз ва француз тилларида “interpret”, испан тилида “interprete” атамалари ишлатилган. Таржима назарияси хусусида айтилган фикрлар ҳам шу йўсинда умумий маънога эга бўлган. Масалан, таниқли француз тилшуноси Жорж Муненнинг таъкидлашича, Ф.де Соссюр (1857-1918) ва О. Гарри Есперсен (1860-1943) тадқиқотларида таржима назарияси ҳақида фикрлар йўқ, хатто Ш. Балли (1865-1947) асарларида ҳам бу хусусида мулоҳаза билдирилмайди.

Оғзаки ва ёзма таржима назариясига бағишланган илк тадқиқотлар ўтган асрнинг йигирманчи йилларида юзага кела бошлади. Бу даврда нашр қилинган Ф.Р.Амос, Ж.П.Постгэт, О.М.Финкель, М.П.Алексеев китобларида, Санжар Сиддикнинг “Адабий таржима санъати” (1936 й.) рисолида ҳам таржима назариясини фан сифатида эътироф қилувчи аниқ фикрлар билдирилмаган эди. Таржима назариясини фан сифатида таърифловчи ва бунга даъват этувчи тадқиқотлар асрнинг эллагинчи йилларига келиб эълон қилина бошланди. Аниқроғи, 1952 йил “Иностранные языки в школе” журналинда таниқли таржимон И.Кашкиннинг “Ишончсиз тамойил ва ноаниқ хулосалар” ва таниқли тилшунос А.А.Реформатскийнинг “Таржиманинг лингвистик масалалари” номли мақолаларининг чоп қилиниши бу соҳада баҳс-мунозараларнинг бошланишига сабаб бўлди.

Бу йилларда Ўзбекистонда ҳам таржима назарияси хусусида дадил фикрлар айтила бошланди. Асқад Мухтор, Жуманиёз Шарипов, Ғайбулла Саломов, Нинель Владимироваларнинг таржима назариясидан баҳс юритувчи рисола ва мақолалари нашр қилинди. 1953 йили Халқаро таржимонлар уюшмаси – ФИТ (Federation Internationale des Traducteurs) нинг ташкил қилиниши таржимон ва

таржимашунослар фаолиятининг янада равнақ топишида муҳим роль ўйнади. 1955 йилдан уюшма органи “Babel” (“Бобил”) журнали нашр этила бошланди.

Бу йилларда турли мамлакат олимларининг таржима назарияси муаммоларига бағишланган тадқиқотлари бирин-кетин босилиб чиқди. Улар орасида француз Жорж Муненнинг “Гўзал, аммо бевафо”, инглиз Теодор Саворининг “Таржима санъати” китоблари ўша даврда муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, канадалик тилшунослар Ж.П.Винье ва Ж.Дарбельненинг 1958 йилда нашр қилинган “Француз ва инглиз тилларининг қиёсий стилистикаси. Таржима тадориғида” монографиясида таржима назарияси қиёсий тилшунослик йўсинида талқин қилиниб, муаллифлар уни соф тилшунослик измидаги фандир, деган тезисни илгари сурдилар. Улар ўз фикрларини таниқли тилшунос олим Шарль Балли таълимотига яқинлаштириб, таржима ҳам икки тилга мансуб системадир, у аслият ва таржима тилининг ўзаро яқинлашуви жараёнида юзага келади. Бу жараёнда аслият тили ўз ҳолатини ўзгартирмайди, таржима тили эса мавжуд шароитга қараб ўзгаради ва аслият тилининг лисоний ҳолатларини ўзида ифода этишга мажбур бўлади, деган тўхтамга келдилар.

Бу даврга келиб собиқ Иттифокда ҳам тилшунос ва адабиётшунос олимларнинг таржима назарияси талқинига бағишланган тадқиқотлари эълон қилинди. Масалан, А.В.Федоров “Таржима назариясига кириш” китобини 1958 йил қайта нашр эттираркан, унга “лингвистик очерк” тагсарлавҳасини илова қилган эди. Кўп ўтмай ушбу нашр мазмуни ва мундарижаси атрофида қизғин баҳс-мунозаралар бошланди. Иттифок олимлари ўртасида таржима назариясига икки томонлама: тилшунослик ва адабиётшунослик илми нуқтаи назаридан талқин қилиш муаммоси юзага келди.

Ўша йиллари Ўзбекистонда ҳам таржима назарияси фан сифатида эътироф этила бошланди. Проф. А.А.Реформатский ва А.В.Федоровнинг таржима назарияси хусусида билдирган фикрлари йўналишида баҳс юритувчи ўзбек олимлари Н.В.Владиминова (“Некоторые вопросы художественного перевода с русского на узбекский язык”, 1957), Ж.Шарипов (“Некоторые проблемы поэтического перевода”, 1958), Ғ.Саломов (“Мақол ва идиомалар таржимаси”, 1961) ларнинг тадқиқотлари юзага келди. 1961 йил профессор Ғайбулла Саломов асос солган “Таржима санъати” илмий тўпламининг биринчи китоби босилиб чиқди. Муаллифлар ўша давр талабидан келиб чиққан ҳолда ўз тадқиқотларида таржима назариясининг баъзи лингвистик ва поэтик хусусиятларини ёритишга ҳаракат қилгандилар.

Бироқ, ўтган асрнинг олтинчи йилларидан бошлаб собиқ Иттифок ва хорижий олимлар даврасида таржима назарияси тилшунослик тадориғидаги фандир, дегувчилар сони ортиб, улар таълимоти етакчи ўринга чиқиб олди. Масалан, 1964 йили рус тилшунослари И.Ревзин ва В.Розенцвейгнинг “Умумий ва машина таржимаси асослари” номли монографияси эълон қилинди. Монографияда олимлар таржима назарияси тилшунослик йўналишидаги фан бўлиши лозим, дегувчи таълимотни янада чуқурлаштириб, таржимани структуравий тилшунослик қолипида талқин қилмоқ ва шу тамойилда таҳлил этмоқ даркор, деган фикрни тарғиб қилишди.

Хатто улар А.В.Федоров “Таржима назариясига кириш” китобининг 1958 йилги нашри мазмуни ва мундарижасига танқидий ёндашиб, олимнинг таржима назариясини яратишда яқдил бир тўхтамга келолмаганлигини, таржима назариясининг соф лингвистик фан эканлигини исботлаб беролмаганини танқид қилдилар.

Ўтган асрнинг олтишинчи йилларида Н.Владиминова, Ж.Шарипов, Ғ.Саломов, Ю.Пўлатов, Ж.Бўронов, А.С.Азнаурова, А.Абдуазизов, Қ.Мусаев, Ғ.Ғафурова, С.Саломова, Н.Комилов сингари таржимашунос олимлар томонидан яратилган илмий тадқиқотлар Ўзбекистонда ҳам таржима назарияси борасида кенг кўламда изланишлар олиб борилганидан далолатдир. Улар орасида таржима назариясининг лингвистик тамойилларини яратишда профессор Ғайбулла Саломовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ ўринлидир.

Олимнинг 1966 йил нашр қилинган “Тил ва таржима” монографияси Ўзбекистонда таржима назарияси фанининг кейинги равнақига катта ҳисса кўшди. Қолаверса, бу тадқиқот республикамизда таржима назариясининг лингвистик ва умумфилологик асосларини ишлаб чиққан илк назарий манба бўлиб, таржимашунос олимларнинг тадқиқотлари қаторида алоҳида эътироф қилинди. Дарвоқе, олимнинг ушбу монографиясида таржиманинг асосий “қурилиш материали” бўлган сўз, унинг фонетик либоси, семантик ва услуб хусусиятлари ҳамда таржима жараёнида синонимлардан истифода этиш каби муаммолар муфассал таҳлил қилинган эди.

Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг филология ва журналистика факультети ҳузурида ташкил этилган Таржима назарияси кафедраси проф. Ғ.Саломов раҳбарлигида бу ишга бош-қош бўлди. Айниқса, олимнинг 1973 йилда нашр қилинган “Таржима тарихи”, “Таржима назариясига кириш”, “Умумий таржима назарияси асослари” ўқув дастурлари республикамиз олий ўқув юртларида таржима назарияси курсини ўқитишда асосий дастуруламал бўлиб хизмат қилди. Шундан сўнг унинг “Таржима асослари” (1976) ва “Таржима назариясига кириш” (1978) дарсликлари эълон қилинди. Олим уларда таржима – лисоний, адабий-эстетик ҳодиса, сўз санъати, таржимон эса ижодкордир, деган тезис асосида таржима жараёнини кенг миқёсда тадқиқ қилиб берган эди.

1980-йилларга келиб таржима назариясининг тилшунослик йўналиши тамойиллари янада такомиллашди. Бу йилларда Ўзбекистонда профессор Ғайбулла Саломов (ТошДУ) ва профессор Жуманиёз Шарипов (ЎзФА) раҳбарлигида шакланган таржимашунослик мактаби олимлари таржима назариясининг умумфилологик муаммоларини тадқиқ қилиш билан машғул бўлдилар. Масалан, Р.Файзуллаева, М.Сулаймонов, И.Мирзаев каби олимлар немис, инглиз, француз тилларидан ўзбек тилига таржиманинг лингвистик масалалари мавзусида тадқиқотлар яратишган бўлсалар, Ш.Рўзиев, Я.Эгамова, Д.Ғуломова, Қ.Жўраев, М.Холбеков, М.Бақоева, Н.Отажонов, У.Сотимов, Ж.Юсупов, Ё.Ҳамроев кабилар бадий

таржиманинг умумфилологик муаммоларини тадқиқ этган номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

Хулоса қилиб айтганда, профессор Ғайбулла Саломовнинг “Таржима назариясига кириш” дарслиги олий ўқув юртларининг филология факультетларида таълим олаётган талабалар ва таржимашунослик илми борасида назарий тадқиқотлар яратишга киришган илмий ходимлар учун ҳам йўриқномага айланди. Шунингдек, Ж.Бўронов, Э.Азнаурова, Қ.Мусаевларнинг дарслик ва монографиялари, А.Абдуазизов, Н.Комилов, М.Сулаймонов, Р.Файзуллаева, Я.Эгамова, И.Мирзаевларнинг диссертация ва мақолаларида таржиманинг лингвистик назарияси хусусидаги баъзи фикрлар давом эттирилди.

Хуллас турли тиллардаги турлича грамматик системалар ва бошқа хусусиятлар барча турдаги таржима жараёнида маълум қийинчиликлар ва чекловларни келтириб чиқаради. Таржима билан шуғулланиш таржимондан бошқа турдаги, жумладан ёзма ва оғзаки таржималарни амалга оширувчи таржимонлар олдига қўйиладиган муҳим талабларни илгари суради. Шу билан бир қаторда ҳар бир таржимон тили ўрганилаётган мамлакатнинг тил тарихини, милатнинг урф-одатларини, байрамлари, маданияти каби муҳим томонларига этиборни қаратиш кераклигини кўрсатиб беради. Ҳар қандай тилни ўрганиш жараёнида ўша халқнинг ички дунёсига кириб бориш муҳим. Чунки баъзида шундай сўзлар учрайдики у сўзнинг маъносини фақат ўша халқ урф-одатлари, маданияти ёки тарихи ҳақида аниқ тушунчага эга бўлгандагина таржима қилиш ёки тушуниш мумкин бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Г. Я. Туровер “Пособие по устному переводу с испанского языка для институтов и факультетов иностранных языков» Москва, 1997 г (260 стр)

2. Ачилова, З. П. (2022). Оғзаки матн таржимасининг фонетик ва лексик қийинчиликлари ва уни енгиб ўтиш имкониятлари. *pedagogs journali*, 3(1), 170-178.

3. АЧИЛОВА Зулхумор Автоматизированные навыки при устном переводе. № 2 (2) / 2014 Переводоведение 4016 1. PDF версия статьи.

4. Ачилова, З. П. (2023). Таржима қилиш қийин бўлган мураккаб морфологик ходисалар ва синтактик конструкцияларнинг ўзига хос хусусиятлари. *journal of innovations in scientific and educational research*, 6(2), 310-315.

5. Ачилов. Ш. Ш. Лексик компетенцияни такомиллаштиришда испан тили аффиксларининг транспозицион ва функционал хусусиятлари (испан тили мисолида) // *science and innovation international scientific journal volume 1 issue 6 - 2022 - С.682-688*

6. Ачилова, З. П. (2023). Применения метода корректирующей компенсации при переводе политических выступлений. *journal of innovations in scientific and educational research*, 6(2), 319-322.